

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ЎЗ ВАҚТИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги вақтларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида маҳаллий қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ушбу мақсадларда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тизими қайта ташкил қилинди. Натижада биргина 2017 йилда қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш ва лизинг бўйича хизматлар кўрсатиш ҳажми 1,7 баравар, механизация хизматлари ҳажми 2,5 баравар ошди.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни мамлакатимизда ишлаб чиқарилган сифатли ва арзон техника билан таъминлаш, техника паркини янгилаш, шунингдек, уларга ўз вақтида сервис хизматини кўрсатиш ишларида жиддий камчиликлар сақланиб қолмоқда, хусусан:

биринчидан, энг ақтиёж, агро-техника тадбирларини ўтказиш муддатлари ва молиялаштириш манбаларидан келиб чиқиб, машина-трактор парклари, тегишли хизматлар кўрсатувчи хусусий ташкилотлар, шунингдек, фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб бериш бўйича бюртмаларни шакллантириш, шартномалар тузишнинг бозор механизмлари мавжуд эмас;

иккинчидан, энг мақбул агро-техник муддатларда оммавий қишлоқ хўжалиги ишларини амалга ошириш учун ўзйорлар қишлоқ хўжалиги техникаси етарли эмас, ўз вақтида ишлаб чиқаришни режалаштириш ва ташкил этиш бўйича ишлар тизимли йўлга қўйилмаган;

учинчидан, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражасининг пастлиги, оқибатда, ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техникаси таннанининг рақобатбардош эмаслиги механизация хизматлари ва ишлаб чиқарилаётган ақний маҳсулот нархининг ошиб кетишига олиб келмоқда;

тўртинчидан, қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқаришни молиялаштириш механизми мукамал эмас, лизинг механизмлари, хусусий сервис ташкилотлари ва фермер хўжаликлари маблағларини жалб этишдан етарли даражада фойдаланилмаяпти.

Қишлоқ хўжалиги техникаси пар-

кин янгилаш ва модернизация қилиш ҳисобидан қишлоқ хўжалигини техник жиҳатдан жиҳозлаш даражасини янада ошириш, агро-техника ишларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва “Ўзгартехсаноатхолдинг” АЖ томонидан шакллантирилган 2018 йилда ҳудудлар кесимида, жумладан, лизинг асосида қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб беришнинг қўшимча ҳажмлари параметрлари 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб бериш учун бюртмалар портфелини шакллантириш устувор равишда бир йилда икки марта — февраль-март ва сентябрь-октябрь ойларида маҳаллий ва жаҳоннинг етакчи ишлаб чиқарувчилари иштирокида ўтказиладиган ҳудудий ярмаркалар давомида амалга оширилади. Бунда февраль-март ойларида қишлоқ хўжалиги техникасини жорий йил учун, сентябрь-октябрь ойларида — келгуси йил учун етказиб бериш бўйича қўшимча шартномалар тузилади;

ишлаб чиқарувчиларга қишлоқ хўжалиги техникаси учун олдиндан тўлов етказиб берилаётган техника нархининг 80 фоизидан кам бўлмаган миқдорда техникани етказиб бериш бошланишидан 120 кундан кам бўлмаган муддатда, ақний ҳисобикитоб эса етказиб берилган техника қабул қилингандан кейин 10 иш кун давомида амалга оширилади.

“Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУК 1-иловага мувофиқ етказиб бериладиган қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш учун товарларни сотиб олиш бўйича импорт контрактларининг комплекс экспертизасини амалга оширад.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда:

2018 йилда туманлар кесимида қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб беришнинг қўшимча ҳажмлари параметрларини, шунингдек, ушбу қарорни инobatта олган ҳолда, улар-

ни молиялаштириш ва етказиб беришнинг ойма-ой графикларини; бюртмалар портфелини шакллантириш ва шартномалар тузиш, қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш ва етказиб беришни молиялаштириш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига механизациялашган хизмат кўрсатиш ишларини ташкил этиш схемаларини тасдиқласин.

4. “Ўзгартехсаноатхолдинг” АЖ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига:

қишлоқ хўжалиги техникасининг маҳаллий брендини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишни назарда тутган ҳолда, Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантириш концепциясини;

2018 — 2020 йилларда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарининг янги ишлаб чиқаришларини яратиш ва мавжудларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш юзасидан инвестиция лойиҳалари рўйқати билан бирга қишлоқ хўжалиги техникасининг ҳар бир тури бўйича ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини;

2018 — 2020 йилларда ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан тармок кооперацияси доирасида ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техникаси ва унинг компонентлари таннарини пасайтириш дастурини;

қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш ва етказиб беришни молиялаштиришни яхшилаш учун халқаро молия институтларининг маблағларини жалб этиш бўйича таклифларни киритсин.

6. Тижорат банкларига қишлоқ хўжалиги техникасини лизинг асосида етказиб беришни келгусида молиялаштириш учун асосий қарз ва фоизларни тўлдириш бўйича 4 ойдан кам бўлмаган муддатга имтиёзли давр билан лизинг ташкилотлари кредитлар ажратиш тавсия этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Молия вазирлиги ва “Ўзгартехсаноатхолдинг” АЖ билан биргаликда бир ой муддатда Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва

электрлаштириш илмий-тадқиқот институти (кейинги ўринларда Институт деб юритилади) фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритсин, бунда:

қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқаришга ва қишлоқ хўжалиги илмий ютуқларни жорий этиш муддатларини қисқартириш мақсадида Институт фаолиятини тубдан яхшилаш;

Институтнинг “Ўзгартехмас” АЖ, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ташкилотлари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритувчи бошқа илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари билан самарали илмий-техник кооперацияси ва ўзаро ҳамкорлигини ўрнатиш;

жаҳон бозорида янги, рақобатбардош қишлоқ хўжалиги техникаси турлари ва моделларини ишлаб чиқиш, яратиш, тайёрлаш, синовдан ўтказиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишнинг ягона режасини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ҳамда юқорида кўрсатилган ташкилотлар фаолиятига жорий қилиш назарда тутилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Бош прокуратура ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда:

а) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб бериш учун маблағларнинг ўз вақтида ажратилиши устидан тизимли мониторинг ва назорат ўрнатсин;

б) 2018 йил 1 сентябрга қадар муддатда “Ўзгартехсаноатхолдинг” АЖ ва унинг таркибига кирувчи ташкилотлар фаолиятини ўргансин, сабзавотчилик, узумчиликни жадал ривожлантириш истиқболларидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги техникасини паркинни тўлиқ хатловдан ўтказиш ҳамда молиялаштириш, қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш, етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар киритсин, бунда қўйиладиганга алоҳида эътибор қаратилсин:

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2018 йил 10 май	

ЎЗБЕКИСТОН ВА АҚШ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИНИ БЕЛГИЛАБ ОЛАДИ

15 — 17 май кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатларига илк расмий ташрифини амалга оширади. Тошкентнинг Вашингтон билан сиёсий мулоқоти ҳақида нималарни билмоқ лозим, икки мамлакат етакчиларининг навбатдаги учрашуви қандай истиқболларни очади — ушбу мақола ана шу мавзуга бағишланган.

Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган, 1992 йил 19 февралда эса мамлакатларимиз ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилган. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари ўзининг комплекслиги, узоқ муддатли ва кўп қирраллиги билан ажралиб турди. Сиёсий мулоқот халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган, ўзаро ҳурмат ҳамда бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш тамойилларига асосланган.

100 дан зиёд ҳужжатлардан иборат бўлган қаровли шартнома-ҳуқуқий пойдевор кўп қиррали ҳамкорликни ҳаётга татбиқ этишга қўмак-

лашмоқда. 2002 йилда имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Америка Қўшма Штатлари ўртасида Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги Декларация икки томонлама муносабатларда муҳим ўрин тутаяпти. Сўнгги бир ярим йил эса алоқалар фаоллашувида мисли кўрилмаган давр бўлиб қолди. Икки давлат раҳбарлари — Шавкат Мирзиёев ҳамда Дональд Трампнинг очиклик, барча йўналишдаги алоқаларни кучайтириш, уларни аниқ-равшан мазмун билан бойитишни намойён этган сиёсий иродаси туфайли ўзаро ишончнинг юқори даражасига эришилди.

(Давоми 2-бетда).

«ИЛК ТАРИХИЙ ТАШРИФ»

Оқ уй матбуот хизмати Шавкат Мирзиёевнинг илк расмий ташрифини шундай баҳолади

Оқ уй матбуот хизмати баёнотида қайд этилишича, 16 май куни Президент Дональд Трамп Оқ уйда илк тарихий ташрифи муносабати билан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев билан учрашади. Президент Трамп ва Президент Мирзиёев умумий манфаатли режаларни давом эттириш ҳамда қатор ўзаро масалаларни ҳал қилиш мақсадида Америка Қўшма Штатлари ва Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама стратегик ҳамкорликни қайта кўриб чиқади. Баёнотда, шунингдек, икки давлат раҳбарлари Ўзбекистоннинг муҳим ишловларини амалга ошириш, савдо ҳамда инвестицияни кенгайтириш, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, жумладан, Афғонистондаги вазиятни ҳал этиш бўйича эришган ютуқларини муҳокама қилиши билдирилган.



Кун иқтибоси



Сирил Мюллер, Жаҳон банки вице-президенти.

“ЎЗБЕКИСТОН — БИЗНЕС ОЧИШ ОСОН БЎЛГАН МАМЛАКАТЛАРДАН БИРИ. МАЗКУР КЎРСАТИКЧ БЎЙИЧА УШБУ МАМЛАКАТ ДУНЁДА 11-ЎРИНДА ТУРАДИ. БУНДАН ТАШҚАРИ, БУ ЕРДА ОХИРГИ 15 ОЙ ДАВОМИДА ХАЛҚАРО САВДО УЧУН ШАРОИТЛАР СЕЗИЛАРЛИ ДАРАЖАДА ЯХШИЛАНДИ”.



Юксак ҳурматдан беҳад мамнунизм

Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан пойтахтимиздаги Ботаника боғида бўлиб ўтган байрам тантаналарида қатнашиш бахти менга ҳам насиб этди. Очигини айтман, шу кунга қадар бундай ҳурмат қўрмагандик. Пул мукофотлари, Ҳаж сафари, ўзимиз жанг қилган юртларга сафар ёки Ялта ҳамда Сочида бир ҳамроҳ билан дам олиб келиш, тантанали самимий маросим...

Сурур

Бунинг ҳаммаси, албатта, бизни беҳад қувонтириб юборди. Тантананда Президентимизнинг табригини тинглаб, ўша суронли йилларда ҳалок бўлган сафдошларимиз кўз ўнгимда гавдаланди. Юртбошимиз ўз нутқида «кексаларимиз, мўътабар отахон ва онахонларимизни рози қилсак, бутун халқимиз, жамиятимиз биздан рози бўлади. Уларнинг табаррук дуолари — бу,

аввало, эл-юртимизнинг дуоси, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади», деб таъкидлагани мен ва мен каби кексалик гаштини сураётган инсонларга кўрсатилаётган бемисл иззат-икром, деб биламан.

Наримон ЭРКИНОВ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Қарғона шаҳри

«Халқ сўзи» минбари

ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ПОЙДЕВОРИ МУСТАҲКАМДИР

Ефроим ГУРМАН, АҚШ Ветеринар тиббиёти уюшмаси аъзоси, биология фанлари доктори, профессор, жаҳонга машҳур “VetVittles” компанияси раҳбари:



— Машҳур физиолог, Нобель мукофоти лауреати Иван Павловнинг шундай сўзлари бор: “Тиббиёт инсонларни, ветеринария эса инсониятни даволайди”.

Дарҳақиқат, ушбу фаннинг ҳаётимиздаги аҳамияти жуда катта. Зеро, ветеринария озик-овқат хавфсизлигини

таъминлаш орқали инсон саноатлиги, жамият хавфсизлигини муҳофаза қилишнинг энг асосий занжирларидан бири ҳисобланади. Нега деганда, узоқ йиллик кузатишлар юкмли касалликларнинг аксарияти чорва молларида пайдо бўлиб, одамларга чорвачилик маҳсулотлари орқали ўтишини тасдиқламоқда. Шу боис кейинги пайтда бундай ҳолатларнинг олдини олиш, унга қарши курашиш, қисқача айтганда, ветеринария соҳасини ривожлантириш тобора долзарб аҳамият касб этаётир.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан

Ўзбекистонда бу масалага давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани алоҳида эътиборга моликдир. Давлат ветеринария қўмитаси ташкил қилиниб, ветеринария соҳасида давлат бошқаруви тубдан такомиллаштирилаётгани, эпизоотик барқарорлик ҳамда озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш, тизимда учраётган камчиликларни бартараф этиш, ветеринария хизматлари кўрсатиш сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқилаётгани бунинг амалий самарасидир.

(Давоми 2-бетда).

Ташқи сиёсат

ХИТОЙ ЙИЛНИНГ ЭНГ МУҲИМ ТАДБИРИГА ҚАНДАЙ ТАЙЁРГАРЛИК КЎРМОҚДА?

Яна бир ойдан сўнг Циндаода ШХТнинг навбатдаги саммити бўлиб ўтади.

Пекиндан махсус мухбиримиз Омонулла ФАЙЗИЕВ хабар қилади.

Дунёда турли мамлакатлар манфаатлари муштараклигини таъминловчи тузилмалар, ташкилотлар кўп. Улар одатда иш-тироқчиларни кўп томонлама муносабатларда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳалар ривожидидаги мақсадлар йўлида бирлаштиради. Бироқ ҳамма вақт ҳам кўзланган натижага эришиш осон кечавермайди. Бугунги кунда шундай тузилма мавжудки, унинг фаолияти нафақат унга аъзо мамлакатлар ривожига, балки жаҳон ҳамжамияти тараққиётида ҳам муҳим ўрин эгаллаб келаяпти. Натижада унинг нуфузи йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу, ҳеч шубҳасиз, Шанхай ҳамкорлик ташкилотидир.

Мазкур халқаро тузилмага 2001 йил

15 июнда Ўзбекистон, Хитой, Россия, Қозоғистон, Тожикистон ҳамда Қирғизистон давлатлари томонидан асос солинган. ШХТ айни пайтда сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар соҳаларда алоқаларни ривожлантириш, жаҳонда тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ташкилотнинг 2016 йилги Тошкент саммитида Ҳиндистон Республикаси ҳамда Покистон Ислом Республикасининг ШХТга аъзо давлат мақомини олиш йўлидаги мажбуриятлари тўғрисида меморандумлар имзоланган эди. Ўтган йили Қозоғистонда бўлиб ўтган саммитда бу икки давлат ташкилот аъзолигига қабул қилинди. Эндиликда ШХТ экспертлар томони-

дан “Жадал ривожланаётган саккизлик”, дея алоҳида эътироф ҳам этилаяпти.

Байроғимиз баланд ҳилпирамоқда

Жорий йилда ШХТга Хитой Халқ Республикаси раислик қилапти. Яна бир ойдан кейин Циндао шаҳрида ушбу ташкилотнинг навбатдаги саммити бўлиб ўтади. Айни пайтда кенг жамоатчилик эътибори айнан шу сиёсий тадбирга қаратилган, десак, тўғри бўлади. Хўш, минтақа ҳаётидаги йилнинг муҳим воқеалигига қай тарика тайёргарлик кўрилаяпти? Бу галги саммит аввалгиларидан қайси жиҳатлари билан фарқланади? Яқунда қандай натижаларга эришиш кўзда тутилган?

(Давоми 3-бетда).

ХИТОЙ ЙИЛНИНГ ЭНГ МУҲИМ ТАДБИРИГА ҚАНДАЙ ТАЙЁРГАРЛИК КЎРМОҚДА?

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хитой Ташқи ишлар вазирлиги ташаббуси билан ШХТга аъзо давлатлар оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ташкил қилинган тадбирда ана шу саволларга батафсил жавоб берилди. Аввало, шуни айтиши керакки, мазкур тадбирда Ўзбекистон, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистоннинг етакчи телеканаллари, ахборот агентликлари, газеталари вакиллари иштирок этмоқда.

Дастурга мувофиқ, сафаримизнинг илк куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бош қароргоҳига ташриф буюрдик. Маъмуа Пекин шаҳрида жойлашган. Бош қароргоҳда ташкилот қотибияти мутасаддилари, ходимлари бизга пешвоз чиқишди. Бино ичкарисига кирганимизда заҳоти она тилимиздаги “Ассалому алайкум, яхши келдингларми?” деган калом қалбларимизни тўлқинлантириб юборди. Бу сўзлар айнаи пайтда ташкилот маъмуриятида референт ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ишлашга масъул этиб тайинланган ходим, юрдошимиз Мирасиз Мирсаидовга тегишли эди. У журналистларга ШХТ бош қароргоҳи ҳақида тўлиқ маълумот бериб, бу ердаги тарихий ҳужжатлар, ноёб буюмлар билан таништирди.

Музейга ўхшаш бош қароргоҳ

Даставвал бош қароргоҳ ҳовлисидаги “Дўстлик боғи”ни айландик. Ушбу жойга келган киши эътиборини, аввало, бу ердаги улкан тош тортиши, шубҳасиз. Маъмурият мутахассисларининг сўзларига кўра, бу тош оддий эмас, у қониндан тушган метеорит. Буюк Ипак йўлининг Хитой ҳудуди қисмидан топилганлиги учун ҳам Чин юрти ҳукмати уни бош қарор

гоҳга совға қилган. Бу ердаги жуда қадимий дарахт ҳам эътиборни тортади. Қолаверса, 2016 йилда тузилма ташкил топганлигининг 15 йиллиги муносабати билан ўша пайтда аъзо бўлган олтита давлат ташқи ишлар вазирлари бош қароргоҳдаги “ШХТ майсазори” номи берилган боққа ўтказишган қарағай дарахтлари ўтган икки йил мобайнида кўкка бўй чўзибди. Буни ШХТ ривожига меңзасак, янада тўғри бўлади. Яқин вақтлар ичида тузилмага янги қўшилган Покистон ва Хиндистон вакиллари ҳам ўз дарахтларини экишади...

Бош қароргоҳ биноси хоналарига ШХТга аъзо давлатлар пойтахтлари номи берилган. Айнаи пайтда “Тошкент”, “Пекин”, “Москва”, “Остона”, “Душанбе” ҳамда “Бишкек” номи хоналар мавжуд. Уларнинг ҳар бири ўша мамлакатлар урф-одатлари, аънаналари, миллий мероси каби жиҳатлардан келиб чиқиб безатилган. “Тошкент” хонасининг ўзига хос тарафи шунда эканки, бу ер кўпинча тезкор йиғилишлар, мулоқотлар ўтказиладиган майдон ҳам саналаркан.

“ШХТ Хартияси” деб ном берилган хонадан эса ташкилотнинг тузилиши билан боғлиқ ноёб ҳужжатлар, буюмлар ўрин олган. Унинг кутубхонасида тузилмага аъзо мамлакатлар ҳақидаги китоблар, давлатлар раҳбарларининг рисола-тўпламлари, тарихий суратларни кўришимиз мумкин.

Тинчлик ва хавфсизлик йўлида

Маъмурият диққатга сазовор жойларини кўриб бўлганимиздан сўнг мажлислар залида ШХТ Бош қотибининг ўринбосари Владимир Потапенко билан мулоқот бўлиб ўтди. Мутасадди Ўзбекистон, унинг кейинги икки йил ичида минтақа тараққиётида ту-



таётган муҳим ўрни ҳақида ҳам сўзлади.

— Глобал хавфсизликка таҳдид солаётган хатарларга фақат бир мамлакатнинг сазй-ҳаракати билан барҳам бериб бўлмайди, — деди В. Потапенко. — Бу йўлда ўзаро ҳамкорлик, бамаслаҳат иш кўриш муҳим аҳамиятга эга. Ташкилотимиз айнан шу мақсадларга консенсус асосида эришишни кўзлаб тузилган. Бугунги кунда иқтисодий, ижтимоий соҳаларда ҳам сезиларли натижаларга эришилаётгани эътиборга молик. Ташкилот фаолияти ривожидда Ўзбекистоннинг роли катта. Мисол учун, ШХТнинг халқаро алоқаларини ривожлантириш, меъёрий-ҳуқуқий пойдеворни мустаҳкамлаш, ШХТ Хартиясидаги мақсадлар, вазифалар ҳамда тамойиллардан келиб чиқиб, хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш билан боғлиқ ташаббусларни илгари суриш ҳамда уларни ҳаётга татбиқ этишда мам-

лакатингизнинг фаоллиги таҳсинга сазовор.

Кейинги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев юри-таётган сиёсат нафақат Ўзбекистон ёки минтақа тараққиёти учун, шу билан бирга, ШХТ нуфузининг кескин ошишига туртки бўлмоқда. Бу жиҳатлар ён кўшнилар билан муносабатлар ижобий томонга ўзгаргани мисолида яққол кўринади. Қисқача айтганда, Ўзбекистон юритаётган очиқ ташқи сиёсат ташкилотимизнинг кўзлаган мақсадларини рўёбга чиқаришда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Циндаода бўлиб ўтадиган саммитга тайёргарлик юмушлари ўтган йил Остонадаги анжуманимиз якунлашиши билан бошланган эди. Хитой томони бу муҳим тадбирнинг ташкилий ҳамда тамойилларга алоқадорлиги билан муносабатлар ижобий томонга ўзгаргани мисолида яққол кўринади. Қисқача айтганда, Ўзбекистон юритаётган очиқ ташқи сиёсат ташкилотимизнинг кўзлаган мақсадларини рўёбга чиқаришда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Хотира

Шоир сиймосига эҳтиром

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси муаллифи Абдулла Ориповнинг Қарши шаҳридаги уйи пештоқида ўрнатилган бюсти ва ёдгорлик лавҳининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Унда шоирнинг оила аъзолари, яқинлари, шоғирдлари, адабиёт ҳамда санъат ахли ва ёшлар иштирок этиб, Абдулла Ориповнинг бекиёс шахси, ёзган асарлари, давлат ҳамда жамоат арбоби сифатидаги фаолияти ҳақида атрофлича сўз юритишди. Ўқувчи ёшлар унинг шеърларидан ўқиб беришди.

Шоир номи билан юритилувчи она тили ва адабиёт фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернат, кутубхона ҳамда музей шу куни шеърят ихлосмандлари билан гавжум бўлиб, мактаб хиёбонида ўрнатилган шоир ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

Шойим БЎТАЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.



Жамшид НОҚОБИЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

Гамхўрлик

Эҳтиёжманд оилаларга имтиёзли уйлар

Одамлар амалга оширилаётган ислохотлар самарасини эртага эмас, бугун ҳис қилиши керак. Ушбу тамойил асосида олиб борилаётган амалий ишлар туфайли аҳоли турмуши фаровонлашиб, кўнгли тоғдек жўтарилаяпти. Бундан, айниқса, ногиронлиги бўлган шахслар жуда миннатдор. Сабаби, уларнинг уй-жой муаммоси ҳал этилиб, янги тураржой билан таъминланмоқда. Бундай гамхўрликдан фарғоналик бир гуруҳ юрдошларимиз баҳраманд бўлди. Уларга Фарғона шаҳрининг Қирғули массивида янги хонадон қалитлари тантанали равишда топширилди.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда таъкидланганидек, ўтган йили Фарғона шаҳрида 158, Марғилон шаҳрида 68 та хонадон ногиронлиги бўлган, эҳтиёжманд оилаларга имтиёзли тарзда берилган эди. Жорий йилда эса Фарғона, Қувасой шаҳарлари ҳамда Фарғона туманидаги 12 нафар ногиронлиги бўлган шахсга янги уйлар имтиёзли кредитлар асосида тўхфа қилинди.

Массивда қад ростлаган учта 3 қаватли, жами 72 хонадонли тураржойлар атрофида аҳолига савдо

ва хизмат кўрсатиш бинолари қад ростлади. Қурилиш-таъмирлаш ишларига 6 миллиард



Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар.

200 миллион сўм йўналтирилгани амалга оширилган ишлар кўлами нақадар кенглигидан далолатдир.

— Жорий йилда вилоят ҳокимининг сайёр қабулида бўлиб, тураржой масаласида амалий ёрдам беришларини

сўраган эдим, — дейди Фарғона шаҳрининг Қирғули массивида истиқомат қилувчи иккинчи гуруҳ ногирони Раъно Солиева. — Буни қарангки, Хотира ва Қадрлаш куни арафасида менга тураржой ажратилди. Бу кун мен учун қўшалоқ шодиёнага айланди.

Қувасой шаҳрида яшовчи Моҳигул Эрматованинг ўқсик қалби қувончга тўлди. У тўхфа

Сенатор мушоҳадаси

Тўй-ҳашам ҳам, маърака-маросим ҳам миллий маънавиятнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Аслида бу борада ҳар бир халқнинг ўз мероси, аънаналари ва қарашлари бор. Бироқ кейинги пайтларда бундай маросимларни ўтказишда миллий маънавиятимизга зид манзаралар ҳам намоён бўлаяпти.

Ихчам ва ҳавасли тўй барчанинг орзуси

Айрим кимсалар бу каби тадбирлардан ўзининг жамиятдаги мақеини кўтариб олиш, бойлигини кўз-кўз қилиб, одамларга кўрсатиб қўйиш, кимдандир ўзиб кетганини исботлаш ҳамда шу сингари бошқа номаъқул мақсадларини амалга ошириш учун фойдаланаяпти. Шу боис тўй-ҳашам, оилавий тадбир, маърака-маросимларни тартибга солиш бугунги кунда жамиятимиз учун ўта долзарб масала бўлиб турибди.

Халқимизда “Кўрпангга қараб оёқ узат”, деган гап бор. Аммо аксари-ят тўйларда бунга риоя этилмайди. Қарз-қавола олиб бўлса-да, фалон сўмга келувчи “бирров”чилар — номдор санъаткорларни қақиради. Ана шунинг ўзидаёқ тўй ўтказувчи 5 — 10 миллион сўм ортиқча, аниқроқ айтганда, мақсадсиз харажатга тушади. Бир кунлик тўй деб оила 3-4 йил қарз узиш билан овора бўлади.

Тўйлардаги исрофгарчиликлар кишини таъвишга соладиган яна бир муаммо. Тансиқ таомлар, ичимликни-ку айтмай қўяверинг. Овқатнинг ейилгани ейилади, қолгани қолади. Синдирилган ярим-ёрти номларнинг қанчаси увол бўлади. Гоҳида “Ноз-неъматларга тўла тўкин-сочин дастурхонимизга кўз тегмасин”, деймиз-у, бироқ элимизнинг “Нимани хор тутсанг, шунга зор бўласан”, деган нақлини унутиб қўямиз.

Ҳўш, олдин ота-боболаримиз тўй-маросимларни қандай ўтказишган? Тўй куни қурби етса, битта қўй сўйиб, етмаса “дўппи”дек ош тайёрлаб, маҳалла оқсоқолларига уйланаётганини эълон қилиб, келинни олиб келаверган. Келин томон қурби етса, қуёвга битта қўйлақ, чорси (қийиқча) ва дўппи ҳозирлаган, қурби етмаса, келиннинг ўзи тиккан битта чорси берилган. Шу аснода тинч, осойишта, тоқатдан ташқари талаблар гирдобига ғарқ бўлмай, камтарона, қулай ҳаёт бошланган ҳамда кўп йиллар кўша қариб, тотув, иноқ, ҳавас қилса арзигулик умр кечиришган.

Шуларни ўйларканмиз, “Бугун нега бунчалик дабдабага берилаяпми?” деган савол кишини мулоҳазага чорлайди. Халқ вакили сифатида жойларда бўламиз, одамлар билан гаплашамиз, тўй-маъракаларда қатнашамиз. Айниқса, 30 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ялпи мажлисида тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш масаласи кўриб чиқилгач, барчамиз бу мавзуга янада жиддий эътибор қарата бошладик.

Ҳозир оддий одамлар билан суҳбатлашиб билаёпмизки, парламент даражасида кўрилаётган мазкур масалага одамларнинг фикри ниҳоятда ижобий. Масалан, Самарқанд вилояти аҳолиси вакиллари билан мулоқотларимиз чоғида тўй-тантаналарни кимўзарга ўтказишга барҳам бериш, кераксиз тадбирларга чек қўйиш, дабдабозликларнинг олдини олиш зарурлигини одамлар тўла англаб етаётганини ҳис қилдик. Юрдошларимиз тўйлар ихчам, одамларга даҳмаза келтирадиган эмас, ахилликка ундайдиган, меҳр-оқибатни кучайтирадиган тадбир бўлиши зарурлигини исташини англадик.

Албатта, оилавий тадбирларни тартибга солиш жамият учун ҳам муҳим ижтимоий аҳамиятга эга экани боис, аҳоли томонидан билдирилаётган турли тақлиф ҳамда фикрларни инобатга олиб, ушбу масалани тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатни мукаммал ишлаб чиқиш ҳар жиҳатдан тўғри. Шу маънода, Олий Мажлиси Сенатининг “Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида”ги қарори билан тузилган Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солишга оид жамоатчилик фикрини ўрганиши бўйича Республика ишчи гуруҳига катта масъулият юклаган. Мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида оилавий тадбирларни ўтказиш борасида шаклланган ўзига хос урф-одат ҳамда аънаналари аҳоли иштирокида чуқур ўрганиб, муҳокама қилган бўйича Сенатга асосланган тақлифлар ишлаб чиқиш ўта муҳим юмуш ҳисобланади.

Олдимизга юксак ва эзгу мақсад қўйиб, маърифатли жамият барпо этиш сари интилаётган эканмиз, жамиятда ҳар қандай иллатнинг чуқур илдири отишига йўл қўймаслигимиз лозим. Тўй-ҳашам, маърака-маросимларимиз билан боғлиқ сохта, ҳўжақўрсинлик одатлари ёшларимиз тарбиясига салбий таъсир қилмаслиги керак. Аксинча, топганимизни кераксиз ҳою ҳавасга, дабдабага эмас, эҳтиёжимиздан ортик маблағни халқимизнинг азалий одатларига риоя этиб, ҳайр-эхсон, меҳр-мурувват кўрсатиш, муҳтожларга ёрдам бериш, тураржойларимизни обод қилиш, йўллар, кўприклар қуриш, ишлаб чиқаришга сарфласак, ҳар жиҳатдан фойдали, савобли ишга қўл урган бўлардик.

Зайнаб БЕРДИЕВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

Бундай тарихий, қувончли лаҳзаларни ҳеч қачон ёдимдан чиқармайман

Байрам жуда кўтаринки руҳда, юқори савияда ташкил этилди. Атроф сокин, боғдан булбуллар хониши эшитилиб турибди.

Иккинчи жаҳон уруши манзараларини эслатувчи композиция ҳар бир кишини ўйлашга, бугунги тинч-осойишта кунларга такрор-такрор шукрона айтишга ундайди. Айниқса, Президентимиз билан бир даврада, тўқин дастурхон атрофида бўлиш, уларнинг қалбидан янграган самимий сўзларини тинглаш... Бундай тарихий, қувончли лаҳзаларни ҳеч қачон ёдимдан чиқармайман.

Усмон ДОНАЕВ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Қарши шаҳри

Урушнинг номи ўчсин!

Иккинчи жаҳон уруши, ҳақиқатан ҳам, инсоният тарихидаги энг даҳшатли, энг қонли қирғин бўлган эди. Бу уруш халқимиз бошига қандай оғир азоб-уқубат ва талафотлар, беҳисоб қурбонлар келтирганини эл-юртимиз ҳеч қачон унутмайди...

Давлатимиз раҳбарининг 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида келтирилган ушбу сўзларни тинглаб, беҳитиёр жангҳо-ларда кечган лаҳзалар кўз ўнгимдан ўтди. Бошдан кечирганларим ҳали ҳам эсимда. Уларни унутиб

бўлмайди. Урушнинг номи ўчсин! Тинчлигимизга, фаровонлигимизга кўз тегмасин. Ёшларимиз Президентга қўлқанот бўлсин. Шунда забот этилмаган марра қолмайди.

Болтбой ИБОДУЛЛАЕВ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Тўртқўл тумани

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Тошкент шаҳридаги Ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини касб-хунарга ўқитиш маркази

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг «Ўзбекистонда касб-хунарга ўқитиш имкониятларини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) иштирокида Тошкент шаҳрида ташкил этилган Ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини касб-хунарга ўқитиш марказига

ўқувчилар қабул қилади.

Марказда ишсиз фуқароларни касб-хунарга ўқитиш (қайта тайёрлаш) қуйидаги асосий йўналишлар бўйича бепул амалга оширилади:

- автомобилларни таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш (авточилангарлар, моторчилар, автомобиллар диагностикаси бўйича мутахассислар);
- машинасозлик ишлаб чиқариш технологияси (токалар, фрезерчилар, пайвандчилар, металлга ишлов бериш мутахассислари);

электр, электроника ва автоматлаштириш (электрон техника, радио ва телеаппаратураларни таъмирлайдиган мутахассислар);

ахборот технологиялари (ҳисоблаш машиналари операторлари, компьютер ва бошқа турдаги оргтехникага хизмат кўрсатиш ҳамда таъмирлаш бўйича мутахассислар).

Марказда касб-хунарга ўқиш муддати — 10 ой, шундан марказда ўқиш — 6 ой, корхоналарда ишлаб чиқариш амалиёти — 4 ой.

Касб-хунарга ўқитиш марказига ҳужжатлар, ўқиш истагини билдирганларнинг ихтиёрий танловиغا мувофиқ, туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш марказининг йўлланмаси асосида қабул қилинади.

Тошкент шаҳридаги Ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини касб-хунарга ўқитиш марказининг битирувчиларига эгаллаган касби (мутахассислиги) бўйича меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи давлат намунасидаги диплом берилади.

Талаб қилинадиган ҳужжатлар: ариза; паспорт (асли ва нусхаси); маълумотини тасдиқловчи ҳужжат (диплом ёки аттестат, асли ва нусхаси); соғлиги тўғрисида маълумотнома (086 форма); ишга жойлаштиришни кафолатловчи уч томонлама (иш берувчи, туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш маркази, жисмоний шахс) шартнома нусхаси; бандликка кўмаклашиш маркази томонидан берилган йўлланма; 3,5х4,5 см. ҳажмдаги 4 дона рангли фотосурат.

Ҳужжатлар 2018 йил 15 майдан 15 июнгача қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Сергели-8 мавзеси,
Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 251-19-03, 251-26-44. www.vtct.uz, www.mehnat.uz

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бирлашган қурилишлар дирекцияси

қуйидаги объектларни реконструкция қилиш бўйича қурилиш ташкилотларини тендер савдоларига таклиф этади.

Лот №1-2

1. «Андижон давлат тиббиёт институтининг 200 ўринли талабалар ётоқхонаси биносини реконструкция қилиш».

Манзил: Андижон шаҳри, Чоргузар кўчаси, 6-уй.

Қурилиш муддати — 180 кун.

Буюртмачи бошланғич баҳоси:

ҚҚС билан — 3 865 917 630 сўм;

ҚҚСсиз — 3 221 598 008 сўм.

Лойиҳани молиялаштириш бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

2. «Республика давлат санитария-эпидемиология назорати маркази (ЦГСЭН) (асосий бино том ва фасад қисми)ни реконструкция қилиш».

Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 46-уй.

Қурилиш муддати — 120 кун.

Буюртмачи бошланғич баҳоси:

ҚҚС билан — 3 222 723 539 сўм;

ҚҚСсиз — 2 685 602 949 сўм.

Лойиҳани молиялаштириш бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Таклифлар эълон матбуотда чоп этилгандан сўнг 30 кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бирлашган қурилишлар дирекцияси томонидан қабул қилинади.

Танлов ҳужжатларини олиш, тендер савдоларини ўтказиш тартиби ва шартлари бўйича мазкур дирекцияга мурожаат қилиш мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Боғибўстон кўчаси, 143-уй.
Тел./факс (+998 95) 146-21-24, (+998 90) 806-92-29.

4248/218

Ишга қабул бўйича эълон

Бухоро шаҳрида янгидан ташкил этиладиган
«BUKHARA COTTON TEXTILE»
инновацион тўқимачилик кўшма корхона кластерга

юқори малакали қуйидаги мутахассислар талаб этилади:

- харидлар бўйича менежер;
- муҳандис-механик;
- муҳандис-электрик.

Мутахассисларга қўйиладиган умумий талаблар:

- олий маълумотли (муҳандис);
- ишлаб чиқаришнинг мазкур соҳасида 3 — 5 йиллик иш тажрибасига эга;
- «MS Office» дастурида ишлаш кўникмаларига эга;
- инглиз тилини билиши;
- аналитик фикрлаш ва мулоқот қобилиятининг юқори даражасига эга бўлиши керак.

Ихтисослиги бўйича номзодлар қуйидаги билим ҳамда кўникмаларга эга бўлиши зарур:

Харидлар бўйича менежер

- олди-сотди шартномалари билан ишлаш тажрибаси;
- фуқаролик ва тижорат ҳуқуқи бўйича билим;
- музокара олиб бориш маҳорати.

Муҳандис-механик, муҳандис-электрик

- «AutoCAD» дастури;
- «5S», «Kaizen», «SMED» тизимларида ишлаш олиш.

Резюмелари
career@bctuz.com
электрон почтасига
юбориш мумкин.

4258/220



«AMKODOR-TASHKENT» МЧЖ ХК

«AMKODOR» «SALEO» «AMKODOR-SEMA» холдингларининг Ўзбекистон Республикасидаги расмий дистрибьютори

олд томонга йўналтирилган
ва универсал юклагичлар

МТЗ базасидаги
юклагичли экскаваторлар

занжирли ва гилдиракли
юртдаги экскаваторлар

санчқили
юклагичлар



**Европа сифатидаги техника ва жиҳозлар
Ўзбекистонда**

галлани тозалаш ва сақлаш учун мажмуалар

гидравлика



Маҳсулот сертификатланган.

Тел./факс: (+99871) 283-42-18, тел.: (+99871) 283-42-17. Моб.: (+99890) 974-00-61, 974-00-81.

Ўзбекистон Республикаси, 100005, Тошкент шаҳри, 8 Март кўчаси, 57-уй. E-mail: amkodortashkent@mail.ru, www.amkodor.uz, www.amkodor.by

Энди банкнинг барча хизмати сизнинг мобиль телефонингизда!

Банкка бориш учун сарфланадиган вақтни унутинг.

«Ипотека-банк» мобиль иловаси

хавфсиз ва замонавий хизмат бўлиб, мобиль телефонингиз ёрдамида қуйидаги банк амалиётларидан фойдаланиш имкониятини яратади:

- ✓ тезкор тўловлар (коммунал, бюджет, мобиль алоқа ва интернет, телефония учун тўловлар);
- ✓ электрон омонат очиш ёки тасарруф этиш;
- ✓ банкдаги мавжуд ҳисобварақларни кўриш (кредит ва пластик карталардаги қолган маблағлар);
- ✓ хорижий валюталарни миллий валютага (сўм) конвертация қилиш;
- ✓ банкдан олинган кредитларни назорат қилиш ва кредит бўйича тўловларни амалга ошириш.

«Мобиль-банкнинг» иловасидан фойдаланишингиз учун сиздан «Ипотека-банк»нинг исталган филиалида рўйхатдан ўтиш талаб этилади. Тизимга киришда логин ва пароль ҳамда бир марталик код сизнинг телефонингизга SMS хабар шаклида юборилади.

Imkoniyat yaratamiz

www.ipotekabank.uz

Хизматлар лицензияланган.

ПРОФНАСТИЛ

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ қуйидаги маҳсулотларни тақдим этади:
гальванизацияланган ва полимер қопламали
ПРОФИЛЛАНГАН ЛИСТ

гофраси баландлиги: С-18, С-35

Профнастил учун материал сифатида рулондан кесилган гальванизацияланган ва полимер маҳсулотдан фойдаланилади.
Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.

ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ
• 0,4 мм. — 38 000 сўм/п.м. • 0,45 мм. — 42 500 сўм/п.м. • 0,7 мм. — 65 500 сўм/п.м.

ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ
• RAL 3005 0,45 мм. — 48 600 сўм/п.м. • RAL 6005 0,45 мм. — 48 600 сўм/п.м.
• RAL 3005 0,50 мм. — 54 000 сўм/п.м. • RAL 6005 0,50 мм. — 54 000 сўм/п.м.

Қўшимча маълумот учун қуйидаги телефон рақами бўйича мурожаат қилинг: **(+ 998 95) 197-00-93**

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан
рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 545. 112 922 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;

Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.



Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва
муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзаси берилиши учун обунани
расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор
М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Набатчи — Р. Шеркулов.
Муҳаххис — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.25 Топширилди — 01.20 1 2 3 4 5 6